

**Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича**  
**ШАРТНОМА**

“07” 01 2022 йил

№ 13766-М сон

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи К.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “**Ижрочи**” деб юритилади) бир томондан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази номидан, Низом асосида фаолият юритувчи, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази деректори А.У.Халилов (кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “**Томонлар**” деб юритилади) мазкур Шартномани қуидагилар хақида туздилар:

**1-боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи қўриқлаш бошқармаси, ҳарбийлаштирилган ва сокчилик қўриқлаши қўринишида техник қўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умумий шартлар**

2. **Буюртмачи** объектни қўриқлашга топширади ва “**Қўриқлаш**” эса ушбу вазифани қуидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси 3-АБ 3-отряд саф бўлинмалари орқали 1 та 24 соатлик, иш вақти соат 09:00 дан 09:00 гача (дам олиш кунларисиз) қўриқлаш пости билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига қарашли бинони (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** қабул килади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички обьект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички обьект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жихозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиккан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнгиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жихозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, обьектда    иш куни ичida қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда сокчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш обьектга    иш куни ичida йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармагандан Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

**3-боб. Тўловларни амалга ошириш**

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуидагича ҳисобланади:

а) пост-соат хисобида кўриқлаш хизмати ҳисоб варакасига асосан (шартнома 1-илова) тўлов амалга оширилади. 125 936 640 (Бир юз йигирма беш миллион тўкказ юз ўттиз олти минг олти юз кирк сўм, 00 тийин) ҚҚС сиз.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолганда **оилик тўловни 100 фоизи миқдорида** амалга оширади.

**Буюртмачи** бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, оилик тўловнинг **100 фоизи миқдорида тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин** амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект хисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган оилик тўловни ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим килишга хақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### 4-боб. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

##### 13. Буюртмачи қўйидаги хуқуқларга эга:

Ижроидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

##### 14. Буюртмачининг мажбуриятлари:


мазкур Шартноманинг ажралмас қисми хисобланган 2022 йил “\_\_\_” даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алока, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончasi, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни обьект ҳудудининг девор тўсигидан \_\_\_\_\_ метр узокликлда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта обьектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижроини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлашишлари, обьектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, обьект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага



бериш ёки мулк хукукини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки кўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши хақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камидан \_\_\_\_ кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу хақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик хақида ТҚМни хабардор килиб, 5 дакиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги хақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнгин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда колишига йўл кўймаслик;

кўриқланадиган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги хақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор килиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

#### 15. Ижрочининг хукуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа хужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланадиган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вактида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгинадан кўриклаш сигнализацияси ишлаб кетган холатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниглаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакиришиш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижроининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриклаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриклашга қабул килганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриклашнинг техник воситалари билан боғлик аниқланган барча камчиликлар ҳакида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргалиқда ҳар чоракда камидан бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриклашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгинадан кўриклаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижроини бу ҳакда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижроини мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижроин ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижроининг раҳбари тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, ички ишлар органни вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

## 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вактида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижроига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

18. Ижроининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижроин Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижроини ўз мажбуриятларини бузиш окибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижроин мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижроининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлик микдорда қопланади.

21. Ижроининг айби билан етказилган зарарнинг микдорини аниглаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар микдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар микдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қўйидаги ҳолларда Ижроини зарарни қопламайди:

ижроин шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқлансан;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;  
буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.



## **6- боб. Низоларни хал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартериш ва бекор килиш вактида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати хисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола килувчи Томон бошқа бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳакли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошкнлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳакли.

## **8-боб. Яқуний қоидалар**

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувлчилари билан тузилганда назначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳакиқидир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартериш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартериш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуидагича белгиланади:

Ушбу шартнома 1 йил муддатга 2 (икки) нусхада тузилиб, биринчи нусхаси Тошкент шахар Қўриқлаш бошкармасига ва иккинчи нусхаси хўжалик юритувчи субъектга берилади. Ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувлчилари бўйича — белгиланган тартибда назначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2021 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочи Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган хисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқкан, капитал ёки жорий таъминаларни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса. Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишида огохлантириган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳакли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишида огохлантириган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳакли.

34. **Буюртмачи** алоҳида обьектларни қўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига бир ой** олдин ёзма равиша маълум қиласди.

35. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳаклидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қиласди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ хуқук ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишилари мумкин.

37. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август кунидаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида”ги 670-I-сонли Қонунининг 13,15-моддалари талабига мувофиқ ушбу шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг кучга киради ва 2020 йил 04 февраль кунидаги №13766 ғонли томонлар ўртасидаги шартнома ўз кучини ўйқотган деб хисобланади.

#### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

##### “ИЖРОЧИ”

##### Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси

Тошкент шаҳри, Марказ-4, Қашқар кўч. 3-йи,  
Телефон: 95/475-72-06.  
Х/р 21596000300447995001, МФО 00014 ХХТУТ  
(ОКОНХ) 80200.  
СТИР (ИНН) 202628856  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг  
Тошкент шаҳар бошқармаси.



##### Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи




К.А. Шодибеков

##### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази деректори ўринбосари



Т.Н.Орзиев

изменен в. касимов



## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Тошкент шаҳар  
Кўриқлаш бошкармаси бошлиғи



## «РОЗИМАН»

Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонов  
номидаги Республика суд  
экспертизаси маркази деректори  
ўринбосари



Миробод тумани Фарғона йўли кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази  
объекти кўриқловига жалб этилган Миробод тумани кўриқлаш бўлими 5-отряд саф  
бўлинмасини моддий таъминлаш учун 2022 йил 1 анбор дан бошлаб тузилган

### ҲИСОБ – ВАРАҚАСИ

Кўриқлаш ойлари	Пост сони	Кўриқлаш вакти	Бир ойлик кўриқлаш вакти	кўриқлаш пост/соат нархи	Жами
Январь	1	24	744	58304	43 378 176
Февраль	1	24	672	58304	39 180 288
Март	1	24	744	58304	43 378 176
<b>Жами</b>					<b>125 936 640</b>

#### ЖАМИ:

Бир юз йигирма беш миллион тўқиз юз ўттиз олти минг олти юз қирқ сўм, 00 тийин  
ҚҚС сиз

Тошкент шаҳар Кўриқлаш  
бошкармаси МИБ бошлиғи

Н.Н.Рузибаев

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 марта даги ПҚ-5029 сон Қарор  
хамда 2021 йил 17 августдаги “Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафакалар миқдорин  
ошириш тўғрисида”ти ПФ-6279-сон Фармони.